

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC 02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

УМАРОВ ФАХРИДДИН ШАРОБИДДИНОВИЧ

**НООРГАНИК ГИЛЛИ-СЛАНЕЦЛАР ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ
ЧИҚИНДИЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ, КЛИНКЕР ТАРКИБИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умаров Фахриддин Шаробиддинович

Ноорганик гилли сланецлар ва металлургия саноати чиқиндиларидан фойдаланиб клинкер таркибини ишлаб чиқиш.....3

Умаров Фахриддин Шаробиддинович

Разработка составов клинкера с использованием неорганических глинистых сланцев и отходов металлургической промышленности..... 21

Umarov Faxriddin Sharobiddinovich

Development of clinker compositions using inorganic clay shales and waste from the metallurgical industry.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC 02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

УМАРОВ ФАХРИДДИН ШАРОБИДДИНОВИЧ

**НООРГАНИК ГИЛЛИ-СЛАНЕЦЛАР ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ
ЧИҚИНДИЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ, КЛИНКЕР ТАРКИБИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т642 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қодирова Зулайхо Раимовна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
техника фанлари доктори

Касимова Гўзал Анваровна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч Давлат Университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги илмий даража берувчи DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «9» 08 2021 йил соат 10⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улуғбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улуғбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 07 куни тарқатилди.

(2021 йил «26» 07 даги № 5 рақамли реестр баённомаси)



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д.

С.А.Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда кимё саноатини жадал ривожланиши ва бозор муносабатларига ўтиши қурилиш мақсадларида ишлатиладиган боғловчи материалларнинг турли кўринишларини ишлаб чиқариш учун хомашё материалларини танлашда тубдан ўзгарган ҳолда ёндошиш талаб этилади. Боғловчи материалларнинг, жумладан турли мақсадларда ишлатиладиган цементнинг асосий истеъмолчилари бўлиб, қурилиш, нефтьгаз, металлургия, энергетика, кимё ва бир қатор саноат соҳалари ҳисобланади. Шунга боғлиқ равишда уларнинг эҳтиёжини таъминлаш учун ноанъанавий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида паст ҳароратда пишадиган, талаб даражасидаги портландцемент клинкерини олиш технологиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида, минерал хомашёнинг альтернатив манбалари асосида портландцементнинг самарадор таркибларини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришда энергия ва ресурстежамкор технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, цемент клинкерини пишириш учун хомашё омуктасида борадиган юқори ҳароратли физик-кимёвий жараёнларни аниқлаш, минерал ҳосил бўлиш жараёнига таъсир этувчи тўйиниш коэффициентини ва силикат модулини ва хомашё аралашмасидаги СаОни ўзлаштирилишини асослаш, хомашё аралашмасининг мақбул таркиби асосида ишлаб чиқилган клинкернинг минералогик таркиби ва хоссаларини ҳамда турли тўйиниш коэффициентини ва силикат модулига эга портландцемент хомашё аралашмасининг мақбул таркибини ва термик ишлов бериш ҳароратини аниқлаш, гилли сланецлардан фойдаланиб портландцемент клинкерини ишлаб чиқаришнинг мақбул режимларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган хомашё аралашмасининг мақбул таркибидан олинган портландцементнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш, ишлаб чиқилган клинкер мақбул таркиби асосидаги цемент тошининг турли муддатларда қотишидаги гидратация жараёнини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий ноанъанавий минерал хомашё манбалари ва иккиламчи ресурслар асосида паст ҳароратда пишадиган портландцемент клинкерини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши бўйича «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ га қаратилган муҳим вазибалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий ноанъанавий хомашё, жумладан гилли сланецлар ва иккиламчи ресурслар асосида пастҳароратда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони.

пишадиган талаб даражасидаги цемент олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 07 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 23 майдаги, ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ва «ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чоп этилган манбаларда минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида портландцемент клинкери таркиблари ва олиш технологияларига, цемент хомашё аралашмасининг пишиш ҳароратини пасайтиришга, ҳамда уларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини яхшилашга бағишланган масалалар кенг ёритилган. Россия Федерациясининг, жумладан Цементни илмий-текшириш ва синаш лабораторияларида (Москва) акад. В.В. Тимашев, проф.Т.В. Кузнецова, Санкт-Петербург Давлат технологик университетида Н.Ф. Федоров, С.А.Суворов раҳбарликларида клинкер пишиши ва гидратация жараёнларидаги фазавий ўтишлар ҳамда Белгород Давлат технология университетида И.Г. Лугинина, Ш.М. Раҳимбаев раҳбарлигида цемент тошини қотиши бўйича, чуқур фундаментал тадқиқотлар олиб борилган. А.Н. Классен томонидан табиий материаллар ва турли ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида цемент клинкери хомашё таркибини ишлаб чиқишга ва технологик хоссаларини ўрганишга бағишланган бир қатор амалий тадқиқотлар олиб борилган. Жанубий Козоғистон Давлат Университети «Цемент, керамика ва шиша технологияси» кафедрасида проф. Б.Таймасов, Т.Ф. Худякова раҳбарлигида турли кўринишдаги боғловчи материаллар ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларини яратиш ва уларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам, жумладан ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида акад.И.С.Канцельский, проф. Н.А.Сиражиддинов, проф. М.Искандарова, З.П.Пулатов раҳбарликларида табиий, ноанъанавий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида цемент клинкери хомашё аралашмасини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Тошкент кимё-технология институтида

проф. Т.А. Атакузиев, Н.Х. Талиповлар раҳбарлигида фосфогипсдан фойдаланиб, сульфоцемент клинкери хомашё аралашмасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ва турли ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида минерал кўшимчаларни излашга бағишланган ишлар олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, ушбу йўналишда, кўпгина тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, аммо, чоп этилган ишларда, маҳаллий кўмирли гилли сланецлар асосида талаб даражасидаги портландцемент хомашё аралашмасини таркибини яратиш ва уларнинг паст ҳароратда пишадиган технологиясини ишлаб чиқаришнинг технологик, амалий, иктисодий ва экологик тадқиқотлари жиҳатидан маълумотлар етарли эмас.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №К5-040 «Кўмирли-гилли сланецлар асосида қурилиш материалларининг ресурстежовчи таркиблари ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Деванасой кўмирли-гилли сланецлари ва металлургия чиқиндиларидан фойдаланиб, портландцемент клинкери таркибини ва олишнинг ресурстежовчи технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фойдаланилаётган Деванасой гилли сланецлари ва қайта ишланган тошқол чиқиндиларининг кимё-минералогик ва технологик хоссаларини аниқлаш;

Деванасой гилли сланеци асосида портландцемент клинкери учун турли тўйиниш коэффициентлари (ТК) ва силикат модулига (η) эга икки компонентли ва уч компонентли хомашё аралашмасинининг ҳисоби;

ишлаб чиқилган хомашё таркибларини куйдиришнинг мақбул технологик режимларини аниқлаш ва танлаш;

ишлаб чиқилган мақбул таркибларда, куйдиришнинг турли ҳарорат оралиғида кальций оксиди ($\text{CaO}_{\text{эркин}}$) ўзлаштириш кинетикаси ва портландцемент минералларини ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқ этиш;

қотишнинг турли муддатларида Деванасой гилли сланеци асосидаги цемент тоши минералларининг гидратация жараёнларини тадқиқ этиш;

ишлаб чиқилган мақбул таркибдаги меъёрий шароитда қотган цементларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган цементнинг хоссаларини ишлаб чиқаришда синаш йўли билан тадқиқот натижаларини апробациядан ўтказиш ва ундан ишлаб чиқаришда фойдаланилгандаги самарадорли ТКни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Деванасой кони кўмирли гилли сланецлари, «Ўзметкомбинат» АЖ пўлат қуйишдаги тошқол чиқиндиси, Олмалиқ ТКМК АЖ мис эритишдаги қайта ишланган тошқоли, Жиззах оҳақтошлари ва тажриба намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предметини цемент тоши тажриба намуналарининг лаборатория тадқиқотида ва ишлаб чиқаришда синаш йўли билан физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш, хомашё мақбул таркибларини ва уларни олишнинг технологик режимларини аниқлаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий физик-кимёвий аналитик, дифференциал-термик, рентген фазавий, электрон-микраскопик ва портландцемент ишлаб чиқариш технологиясида қабул қилинган анъанавий физик-механик синаш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Деванасой кони гилли сланецидан портландцемент клинкери ишлаб чиқаришда асосий компонент сифатида фойдаланиш имкониятлари илмий асосланган ва турли тўйиниш коэффициенти (ТК) ва силикат модулига (η) эга бўлган портландцемент клинкери хомашё аралашмасининг мақбул таркиблари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган портландцемент хомашёси таркибида минерал ҳосил бўлиши, анъанавий клинкер олиш жараёнига (1400-1450°C) нисбатан 50-70°C паст ҳароратда (1350-1380°C) жадал бориши аниқланган;

ишлаб чиқилган уч компонентли портландцемент клинкери асосида олинган цемент тошининг турли муддатдаги гидратацияси ва $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ миқдори ўзгаришининг кинетикаси аниқланиб, кальций гидросиликат, гидроалюминат ва гидроферритлари ҳосил бўлишидаги кимёвий реакция жараёнлари аниқланган;

гилли сланец ва металлургия тошқолидан фойдаланиб, хомашё аралашмасининг мақбул таркибидан олинган портландцементнинг физик-механик хоссалари, ҳамда математик моделлаштириш усули ёрдамида, цемент тошининг бир йил давомидаги гидратация ва қотиш жараёнлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

махаллий минерал хомашё ва иккиламчи ресурслардан, жумладан Деванасой гилли сланец ва металлургия тошқол чиқиндиларидан цемент клинкери таркибини яратиш ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятлари яратилган;

ишлаб чиқилган хомашё таркибидаги клинкер минералларининг ҳосил бўлиш жараёнига таъсир этувчи суюқлантирувчи ва минераллаштирувчи қўшимчалар танлаб олинган, ҳамда махаллий минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида цемент тошининг омукта таркиби мақбуллаштирилди ва олишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аналитик, физик-кимёвий таҳлил, лаборатория тажрибалари, ишлаб чиқариш синовлари натижалари, ҳамда портландцемент клинкери ишлаб чиқариш технологиясининг амалдаги стандарт талаблари бўйича аниқланганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тошқол чиқиндиларидан фойдаланиб, гилли сланец асосидаги турли тўйиниш коэффициенти (ТК) ва силикат модулига (η) эга цемент тошининг асосий физик-кимёвий, физик-механик ва

технологик хусусиятларининг функционал боғлиқликларини ва гидратацияда юзага келган жараёнларни ва ишлаб чиқилган янги хомашё аралашмасидаги СаОни ўзлаштириш кинетикаларини аниқлашга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, илк бор металлургия ишлаб чиқаришдаги тошқол чиқиндилари билан биргаликдаги Девонасой кони гилли сланецлари асосида цемент клинкерининг янги таркиби, олишнинг энергия- ва ресурстежамкор технологик режимлари ишлаб чиқилди ва мақбуллаштирилди, меъёрдаги технологик хоссаларга эга тайёр клинкернинг олиниши уларни ишлаб чиқаришда хомашё базасини нисбатан кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида цемент клинкери таркиби ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Девонасой гилли сланеци ва «Ўзметкомбинат» АЖнинг пўлат эритишдаги тошқол чиқиндиларидан фойдаланиб, яратилган таркиб асосида олинган портландцемент клинкери «Бекободцемент» АЖнинг «2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 05/15-3616-сон маълумотномаси). Натижада, завод цементи нархидан бир мунча арзон цемент таркибини ишлаб чиқиш имконини берган;

маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида портландцемент клинкерини олиш технологияси «Бекободцемент» АЖнинг «2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 05/15-3616-сон маълумотномаси). Натижада, амалдаги стандарт талабига жавоб берувчи М400 маркали портландцемент клинкери олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот асосий натижалари 3 та ҳалқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола - 1 таси хорижий ва 2 таси республика илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва

предмети ифодаланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ноанъанавий хомашё ва иккиламчи материаллар асосида портландцемент ишлаб чиқариш технологияси тадқиқининг замонавий ҳолати ва уларни ривожлантиришнинг истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида дунёда, жумладан Ўзбекистонда чоп этилган илмий-техник адабиётларда ноанъанавий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида портландцемент клинкерининг таркибини ишлаб чиқиш, физик-кимёвий ва физик-механик хоссалари, олиш усуллари, ишлаб чиқариш технологияси бўйича чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлил натижалари келтирилган. Шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда турли конлардаги гилли сланец жинсларидан ва бошқа альтернатив хомашё ресурсларидан фойдаланиш бўйича масалалар ҳам кўрилган. Республика гилли сланец жинсларининг мавжуд хомашё конлари тўғрисидаги йиғилган маълумотлар муҳокама қилинган ва умумлаштирилган.

Шундай қилиб, адабиётларнинг танқидий таҳлил натижасида охириги йилларда ресурстежамкор технологиялар асосида портландцемент клинкерининг янги самарадор таркибларини ишлаб чиқиш учун ноанъанавий маҳаллий хомашё материаллари ва иккиламчи ресурсларни тадқиқ этишга қизиқиш нисбатан кучайган бўлиб, улардан имконият даражасида фойдаланиш мақсад қилиб кўрсатилган. Чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлили ва муҳокамаси асосида ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шаклланган.

Диссертациянинг **«Гилли сланец хомашё ва иккиламчи ресурсларнинг физик-кимёвий хусусиятлари. Цемент намунасини тадқиқ этиш усуллари ва тайёрлаш жараёнлари»** деб номланган иккинчи бобида силикат материалларининг физик-кимёвий ва кимё-аналитик таҳлилларининг замонавий услублари, ишлаб чиқилган тажриба намуналарини тайёрлаш ва фазавий таркибларини тадқиқ этиш усуллари, ҳамда силикат қурилиш материалларини физик-механик синаш бўйича умумқабул қилинган амалдаги стандартлари келтирилган.

«Хомашё ва пишган намуналарнинг физик-кимёвий тадқиқи. Гилли сланецлардан фойдаланиб цемент клинкерини мақбул таркибини ишлаб чиқиш. Ишлаб чиқилган аралашмада кинетика, минерал ҳосил бўлиш ва гидратация жараёнлари» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида Девонасой гилли сланеци, Жиззах оҳактош конлари, «Ўзметкомбинат» АЖ ва Олмалик ТКМКларнинг пўлат ва мис эритишдаги тошқол чиқиндиларининг кимё-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш натижалари келтирилган (1-жадвал).

Девонасой гилли сланецининг рентгенограммасида (1а-расм) β -кварцга $d=0,424; 0,335; 0,247; 0,197; 0,181$ нм, гилли минерал дала шпатига $d=0,628$;

0,403; 0,398; 0,375; 0,370 нм, ҳамда кальцитга тегишли бўлган чизиклар мавжуд. Рентгенфазавий таҳлил натижалари, гилли сланецда кварцнинг миқдори 60-70 масс.%, қолган гилли ва бошқа минераллар эса таҳминан тенг миқдорда бўлганлигини кўрсатади.

1-жадвал

Хомашё материалларнинг кимёвий таркиби

Хомашё номи	Оксидларнинг масса миқдори, %						КЎЙ, %
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	MgO	CaO	R ₂ O	
Жиззах оҳактоши	1,55	0,60	0,14	0,6	53,4	0,1	42,25
Девонасой гилли сланеци	64,90	15,10	6,55	2,82	2,90	3,59	3,20
Олмалик ТКМК тошқоли	31,72	6,18	52,04	3,20	3,36	2,8	-
«Ўзметкомбинат» тошқоли	20,11	7,25	20,42	14,20	36,07	0,3	1,25

«Ўзметкомбинат» АЖ тошқолининг рентгенфазавий таҳлили унинг асосан геленит билан ҳамма нисбатларда қаттиқ эритма қаторини ҳосил қилиб, аралашган оккерманит ($d=0,287; 0,176; 0,309$ нм), мелилит ($d=0,442; 0,371; 0,306; 0,239; 0,229; 0,177; 0,175; 0,157; 0,154$ нм), мервинит ($d=0,292; 0,284; 0,281; 0,273; 0,274; 0,276; 0,241; 0,226; 0,220; 0,203; 0,190; 0,190$ нм) ва вюситлардан ($d=0,253-0,247; 0,219-0,214; 0,153-0,151$ нм) таркиб топганлигини кўрсатган. Олмалик ТКМК тошқолининг рентгенфазавий таҳлили, унинг гематит ($d=0,269; 0,251; 0,184; 0,169; 0,148; 0,130$), мелилит ва мервинит минералларидан таркиб топганлиги кўрсатган.


Шундай қилиб, Девонасой гилли сланеци, Жиззах оҳактош кони «Ўзметкомбинат» АЖ ва и Олмалик ТКМК тошқолларининг кимё-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хусусиятларини таҳлил натижалари улар асосида портландцемент клинкери ишлаб чиқариш учун хомашё таркибини лойиҳалаштиришнинг мавжуд имкониятга эга эканлигини кўрсатади.

Портландцемент хомашё аралашмасининг ҳисоби тўйиниш коэффиценти 0,85 дан 0,92 гача ва силикат модули 2,2 дан 3,2 гача бўлган қийматларда умумқабул қилинган стандарт услубда олиб борилди. Турли силикат модули ва тўйиниш коэффицентига эга тайёрланган икки ва уч компонентли портландцемент хомашё аралашмасининг эриш ҳарорати тадқиқ этилди.

Тўйиниш коэффиценти ва силикат модулига боғлиқ равишда икки компонентли аралашмада эриш ҳароратининг 1290°Сда бошланиши ва 1400°Сда тугаши, уч компонентли аралашмада эса эриш ҳарорати 1300°Сда бошланиши, 1390°Сда тугаши аниқланган.

Бу эса тошқолларнинг роли ва гилли сланецдаги енгил эрувчан бирикмалардан таркиб топганлиги билан тушунтирилади. Цемент хомашё аралашмасининг эриш ҳароратини аниқлаш натижалари гилли сланецдан фойдаланиб, нисбатан паст ҳароратда портландцемент клинкери олиш мумкинлигини исботлаган.


Шуни таъкидлаш лозимки, портландцемент хомашё аралашмасидаги CaO_{эркин} миқдорининг ўзгариши, клинкер минераллари кинетикаси ва ҳосил бўлишининг яқунланишини таҳлил қилиш учун муҳим мезон ҳисобланади.



1-Расм. Девонасой гилли сланеци (а), ТК=0,89; n=2,7 таркибли, 1300°C (б) ва 1400°C да (в) куйдирилган, 3 сутка (г), 28 сутка (д) ва 6 ойда (е) гидратланиб қотган клинкерларнинг рентгенограммалари

2б, 2в-расмда куйдирилган уч компонентли портландцемент хомашё аралашмасидаги минерал ҳосил бўлиш кинетикасини этил-глицерат усулида аниқлашнинг натижалари келтирилган.

2-Расмдан кўриниб турибдики, портландцемент хомашё аралашмасида турли ҳарорат оралигида термик ишлов бериш чоғида боғланмаган $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ жадал ўзлаштирилиши кузатилади.



2-Расм. Уч компонентли портландцемент аралашмасида, ТК турли микдорларининг ва $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ ўзлаштириш кинетикасига термик ишлов бериш ҳароратининг таъсири %, бунда:

- 1- ТК=0,89 и n = 2,7;
- 2- ТК=0,88 и n = 2,7;
- 3- ТК =0,88 и n = 2,5;
- 4- ТК=0,85 и n = 2,5

900°C дан 1400°C гача бўлган ҳарорат оралигида $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ миқдорининг ўзгариш графиги, CaO ўзлаштирилиш жараёнининг 1200°C да бошланиб, нисбатан юқори ҳароратларда 1350-1400°C эса унинг миқдорини 1,0-0,3% гача пасайиши, минерал ҳосил бўлиш жараёнини яқунлашганлиги кўрсатади. Силикат модулининг ортиши, кутилгандек, CaO ни ўзлаштиришга, тўйиниш коэффициентининг 0,55 дан 0,89 гача ортиши эса ортиқча миқдордаги CaO ни ҳосил бўлишига олиб келиб, у ҳам термик ишлов бериш ҳароратининг 1400°C гача ошириганда деярли ўзлаштирилади.

Мақбул таркибдаги олинган клинкерларнинг рентгенфазавий таҳлили (1б ва 1в расмлар) клинкер минераллари ҳосил бўлиши 1200-1300°C ҳароратда бошланганлигини ва ҳарорат ортиши билан боғланмаган CaO миқдорининг секинлик билан камайишини кўрсатади. 900-1000°C даги куйдириш ҳароратида ифодаланган CaO га тегишли бўлган чизикларнинг $d=0,277; 0,240; 0,170; 0,145; 0,138$ нм сезиларли жадаллашади, куйдириш ҳароратининг 1200-1350°C гача ортишида сезиларли камаяди, бу эса CaCO_3 нинг жадал диссоциацияланишини кўрсатади. Куйдириш ҳарорати 1350-1400°C бўлганда улар минимумга эришади ва айрим чизиклари йўқолади, бу билан бир қаторда эса C_3S тегишли бўлган $d=0,302; 0,277; 0,273; 0,260; 0,217; 0,162$ нм ва C_2S га тегишли бўлган $d=0,278; 0,273; 0,240; 0,260; 0,218$ нм чизикларининг ҳосил бўлиши кузатилади. Айрим ҳолатларда C_3S тегишли бўлган чизиклар C_2S тегишли бўлган чизикларнинг устида ётади. Турли тўйиниш коэффициенти, масалан $\text{TK}=0,88; n=2,5$ и $\text{TK}=0,89; n=2,7$ ва силикат модулига эга таркибларда, 1300-1400°C куйдириш ҳароратида CaO нинг унчалик сезиларли бўлмаган калта чизиклари кузатилади, бу эса CaCO_3 нинг максимал диссоциацияланганлигини кўрсатади ва этил-глицерат усули таҳлил ва 1350°C да куйдирилган силикат модули билан амалда тасдиқланади.

Таъкидлаш лозимки, цемент тошини гидратация ва қотиш жараёни унинг эксплуатация хоссаларини таснифловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Турли тўйиниш коэффициенти ва силикат модулига эга, меъёрий шароитда қотган цемент тошининг рентгенфазавий таҳлили (1г, 1д, 1е-расмлар) гидратация ва гидрат фазаларининг ҳосил бўлиш жараёнини қотиш вақтига боғлиқ равишда боришини кўрсатади.

1 ва 3 сутка давомида қотган намуналарнинг рентгенограммаларида клинкерни фаол гидратациясини кўрсатувчи, $d=0,491; 0,262; 0,193$ нм жадаллашуви вақт ўтиши билан купайиб борадиган Ca(OH)_2 тегишли бўлган чизиклар кузатилади. Шунингдек рентгенограммаларда гидратациянинг асосий маҳсулотларига тегишли бўлган клинкернинг силикат таркибли тоберморитга ўхшаш, уч кальцийли ва икки кальцийли силикатнинг гидратланмаган қисмига тегишли бўлган чизиклар билан устма-уст тушган CSH (В) туридаги кальций силикатининг чизиклари $d=0,303; 0,280; 0,183$ нм кузатилади. Унча баланд бўлмаган Ca(OH)_2 га тегишли бўлган чизиклар қотишнинг бошланғич муддатларида қотиш вақтининг ортиши билан ўсади, бу эса гидратация жараёнини қотишнинг ҳамма даврларида давом этишини исботлайди.

Кимёвий таҳлил натижалари, турли тўйиниш коэффиценти ва силикат модулига эга олинган икки ва уч компонентли портландцемент клинкери асосий компонентларининг миқдори бўйича, амалдаги ишлаб чиқаришдаги цементга тегишли бўлган талабларини тўлалигича қондиришини кўрсатади.

2-Жадвал


Ишлаб чиқилган клинкер намуналарининг ҳисобланган минералогик таркиблари

Берилган кийматлар		Аралашма таркиби, масс. %				Минераллар миқдори, масс. %				Т°С эриш ҳарорати	
		Оҳак тош	Гилли сланец	тошқоллар		C ₃ S	C ₂ S	C ₃ A	C ₄ AF		
ТК	п			Ўзмет-комб.	ОТМК					бош.	туг.
0,84	-	77,88	22,12	0	0	50,82	33,26	6,62	7,36	1290	1380
0,85	-	78,07	21,93	0	0	54,46	31,71	5,56	7,33	1320	1420
0,91	-	79,25	20,75	0	0	68,09	18,49	5,43	7,09	1350	1450
0,85	2,5	76,67	18,83	4,5	0	47,61	29,27	9,94	9,94	1290	1360
0,88	2,5	77,3	18,33	4,37	0	54,35	22,94	9,76	9,70	1300	1390
0,88	2,7	78,92	18,89	2,19	0	55,27	23,11	10,84	7,90	1300	1380
0,89	2,7	79,10	18,73	2,17	0	57,18	21,30	7,81	10,94	1320	1390
0,85	2,5	79,37	18,83	0	1,80	47,93	20,66	9,54	10,34	1300	1400
0,88	2,5	79,92	18,32	0	1,76	54,48	23,48	9,37	10,15	1280	1380
0,90	2,5	80,26	18,01	0	1,73	58,94	19,28	9,29	9,97	1280	1380

Ҳисобланган минералогик таркиб (2-жадвал) ҳам клинкер асосий минералларининг куйидагича бўлишини кўрсатади, масс. %: C₃S=50-58; C₂S=20-33; C₃A=5-10 ва C₄AF=7-10. Бунда ишлаб чиқилган таркибларнинг эриш ҳарорати амалда ишлаб чиқариш шароитида қўлланилаётган таркибнинг эриш ҳарорати билан солиштирилганда 60-70°С паст бўлгани аниқланди.

Куйдирилган таркибларнинг петрографик тадқиқоти (3а- расм) клинкер минералларининг, гексагонал кўринишидаги ва белит кўшилган призма кўринишидаги алитнинг яхши шаклланган кристалларининг ҳосил бўлишини ва бир ҳилда алмашилишини кўрсатади. Белит унча яхши шаклланмаган думалок дона кўринишда кристалланган. Микрофотографияларда эриган фазанинг шаклланмаган агрегатлари кузатилади. Бунда мақбул таркибдан олинган, турли муддатларда қотган цементнинг микрофотографияси (3б, 3в, 3г-расмлар), ҳам гидратациянинг кузатилган бошланғич муддатларида ва уч суткалик қотишида алит ва белит доналарининг юзасида гел кўринишидаги массадан олинган қобикларда кам миқдордаги Са(ОН)₂ гексагонал кристаллари кузатилади.

Гидратация муддатининг ортиши билан 28 суткалик қотишида кўп миқдордаги шаклсиз кўринишга эга бўлган, тартибсиз тўпланган маҳсулоти кузатилади. Ноаниқ тузилишга эга, ювилган гел кўринишидаги кальций гидросиликатларининг тўпланган, ҳамда шаклсиз ва қисман гексагонал шакл кўринишдаги Са(ОН)₂ миқдорининг кўпайган юзалари мавжуд.



3-Расм. $TK=0,89$; $n=2,7$ таркибли Девонасой гилли сланеци асосидаги клинкернинг (а), 3 сутка (б), 28 сутка (в), 3 ой (г) муддатларда қотган гидратланган цемент тошларининг микрофотографиялари, X500

«Мақбул таркибларининг физик-механик хоссалари ва Девонасой гилли сланецлари асосидаги цемент клинкерини ва технологик режимларини ишлаб чиқиш. Тажриба ишлаб чиқариш синови ва жорий этишга тавсиялар» деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобидан гилли сланецдан фойдаланилган портландцемент клинкери хомашё аралашмаси физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш натижалари ва минерал ҳосил бўлиш жараёнлари келтирилган.

Тадқиқот учун $TK=0,85-0,89$ ва $n=2.5-2.7$ эга, №008 элақдаги қолдиғи 8% бўлиб, туйилган табиий гипс қўшилган клинкер асосида цемент тайёрланди. Гидратланган цемент тошини термик таҳлил билан ўрганилганда, янги ҳосил бўлган гидратларни сувсизланишига ва уларнинг кристалл структурасини бўлинишига, ҳамда юқори ҳароратда янги бирикмалар ҳосил бўлишига олиб келувчи реакцияларнинг тегишли эндо ва экзоэффектларни аниқлаш мумкин. Цемент тоши гидратациясини даражасини аниқловчи хусусиятлардан бири бўлиб, улар қотиш жараёнидаги гидрат суви (кимёвий боғланган) миқдорининг ўзгариши ҳисобланади. Термогравиметрик эгри чизиқлари билан дифференциал-термик комплекс таҳлили турли боғловчи материалларда, улардаги гидрат сувининг миқдори, янги ҳосил бўлган кальций гидроксиди миқдори ва кальций карбонатининг мос эффект чегарасидаги масса йўқотишлари бўйича гидратация даражасини аниқлашга имкон беради.

Ишлаб чиқилган таркибдан олинган цемент тошини гидратация ва қотиш жараёнини моделлаштириш мақсадида, $TK=0,89$ ва $n=2,7$ эга, меъерий шароитда 1, 3, 28 ва 90 суткада қотган мақбул таркибдан олинган цемент тоши дифференциал-термик тадқиқ этилди. Натижалар, ҳарорат ортиши давомида тўртта дифференциал эгри чизиқларнинг ҳаммасини ординат ўқи бўйича юқорига қараб сурилиш тенденциясини кўрсатди. Бу эса юқори ҳароратларда ДТТ асосий чизиқларининг кўтарилишига олиб келувчи оксидланиш жараёни оқибатида, ҳаводаги кислород билан намунанинг ўзаро таъсиридан деб тушунтирилади. Ҳамма намуналарда учта асосий эндотермик

эффектлар кузатилади, аммо қотиш вақтига боғлиқ равишда интенсивлиги анчагина фарқ қилади.

Ҳарорат 50-112°C оралигида юзага келган ўртача интенсивликдаги биринчи эндотермик эффект, намунадаги адсорбцион боғланган сувнинг чиқишига ва кальций гидроалюминатининг қисман сувсизланишига боғлиқ бўлади. Иккинчи нисбатан кучли ифодаланган эндотермик эффект 425-559°C ҳарорат оралигида кузатилади. Бу учкальцийли силикат C_3S ва икки кальцийли силикатларнинг C_2S гидратацияси, ҳамда бошланғич кимёвий боғланган сувнинг чиқиши натижасида ҳосил бўлган кальций гидроксидининг $Ca(OH)_2$ дегидратациясини кўрсатади.

Кучсиз ифодаланган, аммо цемент тоши гидратацияси ва қотиш вақтининг ортиши билан ўсадиган учинчи эффект 708-840°C ҳарорат оралигида юзага келади. Бу эндоэффект кальций карбонатини $CaCO_3$ парчаланиш оқибати ҳисобланади.

ДТТ эгри чизикларини солиштирганда биринчи эндотермик эффект гидратация вақтини ортиши билан нисбатан диффузияли бўлиши, нисбатан пасайган кўринишга эгаллигини кўрсатади. Бунда эндотермик эффектнинг ҳарорат интервалини кенгайганлиги кузатилади. Агар 1 ва 2 намуналар учун масса йўқотиши асосан цемент тошининг юза қаватида диссоцияланган адсорбцион сувнинг чиқиши билан аниқланган бўлса, 3 ва 4 намуналарда эса бундан ташқари ички қаватдан адсорбция суви молекуласининг чиқишига ҳам боғлиқлигини кўрсатган.

Бунинг сабаби, қотиш вақтини, шунингдек цемент тошининг ҳажми ортиши, адсорбция сувининг нисбатан чуқур жойлашуви ҳисобланади, шунинг учун, 3 ва 4 намуналарда адсорбция намлигининг иссиқлик билан чиқиши нисбатан кенг ҳарорат оралигини ўз ичига олади. Масалан, бир суткада гидратацияланган намуналар учун биринчи эндоэффектнинг ҳарорат оралиги 73-144°C ҳарорат диапазони билан чегараланади ($\Delta T=71^\circ C$), бунда 90 суткада қотган намуналар учун ушбу қиймат 50-162°C ёки $T=112^\circ C$ ташкил этади.

Меъёрий шароитда 90 сутка давомида қотган цемент тошининг термографик таҳлил натижалари, кинетика ва масса йўқотиш миқдорларининг қотиш вақтига тўғридан-тўғри боғлиқлигини кўрсатади. Бир сутка давомида қотган намуналарнинг гигроскопик сувининг йўқотиши 5,1% ни, 90 суткадаги унинг миқдори эса 7,1% ни ташкил этади. Шунингдек кимёвий боғланган сув қотишнинг биринчи суткаларида 300°Cда 5,9%, 400°Cда 6,5% ва 90 суткада мос равишда 9,1 ва 10,5% ларни ташкил этади.

Меъёрий шароитда турли муддатларда қотган цемент тоши ҳамма тўртта намуналарининг термограммаси биринчи эндоэффект 50-162°C ҳарорат оралигида бўлишини кўрсатган. Кутилганидек, гидратация вақтининг ортиши билан ҳарорат интервали ΔT ва Δm мос равишда масса йўқотиши кўпаяди.

Маълумки, гидратланган цемент тошининг тадқиқ этилаётган намуналарида гидрат сувининг миқдори унинг гидратация даражасини белгиловчи ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда, ҳамма оғирлик

йўқотишлардан иккинчи эффектга тегишли бўлган қисмини ажратиш ва боғланган сув миқдоридан олинган ушбу катталикни ўрганилаётган намуналар гидратация даражасини мезони қилиб қўллаш мумкин. Маълумки, қотаётган цемент тошида гидросиликат ва гидроалюминатларнинг янги ҳосил бўлган гидратларини сувсизлантириш 600°C ҳароратгача бўлиб ўтади. Бундан келиб чиққан ҳолда, гидратланган цемент тошидаги кимёвий боғланган сувнинг миқдорини ифодаловчи ушбу ҳарорат оралигида масса йўқотишини аниқлаб, унинг гидратация даражаси тўғрисида фикр юритиш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, биринчи ва иккинчи эндотермик эффектнинг ҳарорат интервали T ўзаро яхши боғланади.

Логарифмик масштабда ҳарорат интервалининг ΔT ва масса йўқотишининг намуналар гидратация вақтига боғлиқлиги вақт ўтиши бўйича намуналар гидратация қобилятини таснифловчи эканлиги яққол тасвирланади. Танлаб олинган координатларда ўзаро боғлиқлик тўғри чизик бўйлаб ўтади ва мавжуд қонуниятни кўрсатади.

Цемент тошини гидратация ва қотиш жараёнида ҳосил бўлган гидрат бирикмаларнинг миқдори ва тури, жумладан турли гидросиликатлар, гидроалюминатлар ва гидроферритлар рентгенфазавий таҳлил усули билан яхши ойдинлаштирилади.

Меъёрий шароитда қотган, турли тўйиниш коэффициенти ва силикат модулига эга цемент тошининг рентгенфазавий таҳлили (1г, 1д, 1е -расмлар) гидратация жараёнини ва гидрат фазаларини ҳосил бўлиши қотиш вақтига боғлиқ равишда боришини кўрсатади. Уч ва олти ой давомида қотган намуналарнинг рентгенограммаларида $d=0,491; 0,262; 0,193\text{нм}$ $\text{Ca}(\text{OH})_2$ тегишли бўлган ва вақт ўтиши билан интенсивлиги ўсиб борадиган, бу эса клинкернинг фаол гидратациясини ифодаловчи чизиклар кузатилади.

Математик моделлаштириш усулидан фойдаланиб, тадқиқ этилаётган цемент тошини бир йил давомида гидратация ва қотиш жараёнлари моделлаштирилди. Олинган натижалар амалдаги портландцементнинг меъёрий шароитдаги гидратация ва қотиши жараёнларининг маълумотлари билан айнан мос келди.

Шундай қилиб, Девонасой гилли сланеци асосида, Жиззах оҳақтоши, Ўзбекистон металлургия комбинатининг тошқол чиқиндиларидан фойдаланилган клинкер тажрибавий таркибларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш билан турли тўйиниш коэффициенти ва силикат модулига эга икки ва уч компонентли тажрибавий портландцемент асосий компонентларининг миқдори бўйича амалдаги ишлаб чиқарилаётган цементга қўйилган талабларни қондириши кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган ишлаб чиқилган портландцемент хомашё аралашмасининг тажриба намуналаридаги ўрганилаётган минерал ҳосил бўлиш жараёнларининг жадаллашганлиги, куйдириш ҳарорати $1400-1450^{\circ}\text{C}$ оралигини ташкил этувчи хомашё аралашмасининг компонентлари билан солиштирганда нисбатан паст ҳароратда ($1350-1380^{\circ}\text{C}$) бориши аниқланган.


Тадқиқ этилаётган аралашмада $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ жадал ўзлаштирилиши, Девонасой гилли сланеци таркибидаги енгил эрувчан гилли минералларнинг

таъсири ва металлургия комбинатининг тошқолидаги темир икки оксиди (FeO) кўриниши аниқланган темир микдорининг мавжудлиги билан тушунтирилади.

Тажрибавий таркибидан олинган цемент пастасининг тишлашиш муддатини ва хажмини бир улчамда узгаришига синаш натижалари тадқиқ этилаётган таркибларнинг сув талабчанлиги ва тишлашиш муддатлари амалдаги портландцементлар учун ГОСТ 310.3-76 нинг руҳсат этилган талаблари оралигида эканлигини кўрсатди.

Гидротермал ишлов берилгандан сўнг намуналарнинг сиқилишга синаш натижалари тадқиқ этилаётган таркибларнинг маркадаги мустаҳкамликнинг 50-60% ини ташкил этишини кўрсатди. Масалан, 1-3 таркибларнинг сиқилишга мустаҳкамлиги 21 дан 23 МПа, 4 таркиб учун 21 МПа, 28 суткада нам муҳитда қотган ҳамма таркиб намуналарининг сиқилишга мустаҳкамлиги 400 маркага мос келишини кўрсатди.

Ишлаб чиқилган технологиясининг афзаллиги, ноананавий хомашёлар Деванасой гилли сланецлари ва металлургия шлакларидан фойдаланиб, Жиззах охактоши билан биргаликда одатдаги жараёнлардан 90-70°C паст хароратда сифатли портландцемент клинкери олиш мумкинлигини кўрсатади. Деванасой гилли сланецлари асосида портландцемент клинкери олишнинг техногик схемаси 4-расмда келтирилган.



4-расм. Деванасой гилли сланецлари асосида портландцемент клинкери олишнинг техногик схемаси

«Бекободцемент» АЖнинг Марказий лабораториясида ишлаб чиқариш шароитида ГОСТ 10178-85, ГОСТ 310.1-76, ГОСТ 310.2-76, ГОСТ 310.3-76, ГОСТ 310.4-81лар бўйича ишлаб чиқилган таркибдаги портландцемент физик-механик хоссаларини синаш тажриба ишлари олиб борилди.

Девонасой гилли сланеци асосидаги портландцемент тажриба намуналарининг физик-механик хоссаларини ГОСТ талабларига мос равишда олиб борилган синаш натижалари, тўйиниш коэффициенти 0,88-0,89 ва силикат модули 2,5-2,7 га эга бўлган меъёрий шароитда 28 суткада қотган тажриба намуналарининг мустаҳкамлик хусусиятларининг чўзилишга 6,2-6,6 МПа оралигида ва сиқилишга 41,0-42,2 МПа эга эканлигини кўрсатади (3-жадвал), бу эса амалдаги стандарт талабларга жавоб бериб, М400 маркали портландцементга мос келади.

3-Жадвал

Турли ТК ва n эга цемент тажрибавий таркибларининг физик-механик хоссалари

Клинкер таркиби		№008, элак-даги қол-дик, %	Тишлашиш муддатлари, соат-мин.		Мустаҳкамлик, МПа					
					Бўғлатиш ±95°С		Меъёрий сувли сақлаш			
ТК	n		бошла ниши	тугаши	чўзилишга	сиқилишга	чўзилишга		сиқилишга	
							3 сутка	28 сутка	3 сутка	28 сутка
0,88	2,5	5,5	2-30	5-00	4,3	30,0	4,5	29,5	5,5	42,0
0,88	2,7	6,0	2-40	5-00	4,3	30,5	4,6	29,0	5,2	41,5
0,89	2,5	5,8	2-50	5-05	4,4	29,5	4,6	29,83	5,5	41,0
0,89	2,7	5,6	2-55	5-05	4,3	31,9	4,7	30,0	5,6	42,3

Йилига 600 минг тонна портландцемент клинкери ишлаб чиқарадиган корхона мисолида, созтупрок ва оғаркани алмаштириш, ҳамда куйдириш ҳароратини пасайтириш ҳисобига, кутилаётган иқтисодий самарадорлик йилига 3,040 млрд. сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация бажарилишида олинган илмий ва амалий натижалар куйидагича:

1. Девонасай кони гилли сланецининг бошқа компонентлар билан биргаликдаги клинкер хомашё компонентлари асосидаги бошланғич ва куйдирилган намуналарнинг кимё-минералогик, физик-кимёвий хусусиятлари аниқланган. Кимёвий таркиб ва омукта ташкил топган минералларнинг миқдори бўйича портландцемент клинкерини ишлаб чиқариш учун хомашё таркибини лойиҳалаштириш имконини беради.

2. Жиззах оҳактоши ва металлургия ишлаб чиқаришининг тошқолли чиқиндисидан фойдаланилган Девонасой гилли сланецлари асосидаги клинкер тажриба намуналарининг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ этилган. Турли тўйиниш коэффициенти ва силикат модулига эга олинган икки ва

учкомпонентли портландцемент, амалдаги ишлаб чиқарилаётган цементга кўйилган талабларни қониктиришини кўрсатган.

3. Ишлаб чиқилган портландцемент тажрибавий хомашё аралашмасида ўрганилаётган минерал ҳосил бўлиш жараёни, куйдириш ҳарорати 1400-1450°C оралиғини ташкил этган анъанавий клинкер олишга нисбатан паст ҳароратда (1350-1380°C) жадал бориши аниқланган.

4. Ишлаб чиқилган портландцемент хомашё аралашмасида боғланмаган кальций оксидининг ($\text{CaO}_{\text{эркин}}$) ўзлаштириш кинетикаси ва минерал ҳосил бўлишлари аниқланган ва $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ жадал ўзлаштирилиши гилли сланец таркибидаги суюқланма ҳосил қилувчи минералларнинг, ҳамда металлургия тошқолидаги темир (II) оксидининг таъсири билан изоҳланади.

5. Турли тўйиниш коэффициентлари, силикат модули ва қотиш муддатларига эга ишлаб чиқилган икки ва уч компонентли портландцемент клинкерининг гидратация ва қотиш жараёнлари тадқиқ этилган. Гидратацияда қотиш вақтининг узайиши билан, қотиши ортадиган кальций гидросиликатлари, гидроалюминатлари ва гидроферритлари ҳосил бўлиши аниқланган. Бу эса гидратация жараёнини қотишнинг ҳамма даврларида давом этишини кўрсатган. Математик моделлаштириш усулидан фойдаланиб, ишлаб чиқилган таркибдан олинган цемент тошининг бир йил давомидаги гидратация ва қотиш жараёнини аниқлаш имконини беради.

6. Цемент тошининг хомашё омукта таркиби ва олишнинг технологик режимлари мақбуллаштирилган ва олинган намуналарнинг оддий кўшимчасиз портландцементга кўйилган стандарт талабларга жавоб беришини кўрсатган.

7. «Бекободцемент» АЖ шароитида Девонасой гилли сланеци ва «Ўзметкомбинат» АЖнинг пўлат эритишдаги тошқол чиқиндиси асосида ишлаб чиқилган цемент намуналари тажриба-ишлаб чиқариш синовидан ўтказилган. Натижада, уларнинг физик-механик ва технологик хоссалари бўйича амалдаги стандарт талабларга жавоб бериши ва М400 маркага мос келиши аниқланган. Девонасой гилли сланецларидан фойдаланиб олинган портландцементларнинг оптимал таркибларини музлашга чидамлилиги ГОСТ 10060-2012 бўйича текширилганда, ҳамма намуналар 300 циклдан ортиқ музлаб эришга чидамлилиги кўрсатилди. «Бекободцемент» АЖ шароитида яратилган таркибни портландцемент клинкери ишлаб чиқаришига жорий этилгандаги кутилаётган иқтисодий самарадорлик йилига 3,040 млрд. сўмни ташкил этган.

8. Шундай қилиб, цемент ишлаб чиқаришда хомашё базасини кенгайтирган ва экология муаммосини ечган ҳолда, турли тўйиниш коэффициентлари ва силикат модулига эга Девонасой гилли сланеци асосида М400 маркага мос келган портландцемент клинкери олиш учун хомашё аралашмасининг мақбул таркибларини ишлаб чиқиш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

УМАРОВ ФАХРИДДИН ШАРОБИДДИНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СОСТАВОВ КЛИНКЕРА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
НЕОРГАНИЧЕСКИХ ГЛИНИСТЫХ СЛАНЦЕВ И ОТХОДОВ
МЕТАЛЛУРГИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

02.00.13-Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/T642

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz.)

Научный руководитель: Кадырова Зулайхо Раимовна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
доктор технических наук
Касимова Гўзал Анваровна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация Ургенчский государственный университет

Защита состоится «9» 08 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019..K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 77а. Тел.: (99871) 262-56-60; email: ionxanruz@mail/ru

Диссертация зарегистрирована в библиотеке Института общей и неорганической химии за № 5, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 77а. Тел: (99871) 262-56-60)

Автореферат диссертации разослан «26» 07 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 5 от «26» 07 2021 г.)



Б.С.Закиров
Председатель научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.х.н., проф.

Д.С.Салиханова
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.т.н.

С.А.Абдурахимов
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению учёной степени доктора наук, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во всем мире с интенсивным развитием химической промышленности и становлением рыночных отношений требуется коренное изменение подхода к подбору сырьевых материалов для производства различных видов вяжущих материалов строительного назначения. Основными потребителями вяжущих материалов, в частности цементов различного назначения, являются ряд промышленных отраслей, такие как строительная, нефтегазовая, металлургическая, энергетическая, химическая и т. д. В связи с этим, для обеспечения их потребностей, производство портландцемента на основе нетрадиционных сырьевых и вторичных ресурсов имеет особое значение.

В этом направлении в мировом масштабе проводятся научные изыскания и уделяется особое внимание созданию эффективных составов портландцемента на основе альтернативных источников минерального сырья, а также совершенствованию энерго- и ресурсосберегающих технологий при их производстве, высокотемпературным физико-химическим процессам, протекающим в сырьевой шихте для спекания цементного клинкера, обоснованию влияния коэффициента насыщения и силикатного модуля на процессы минералообразования и усвоения CaO сырьевых смесей, изучению минералогического состава и физико-химических свойств клинкеров, разработанных на основе оптимальных составов сырьевых смесей, установлению оптимальных составов и температур термообработки портландцементной сырьевой смеси с различным коэффициентом насыщения и силикатным модулем, разработке оптимальных режимов производства портландцементных клинкеров с использованием глинистых сланцев, определению физико-механических свойств портландцемента, полученных из оптимальных составов разработанных сырьевых смесей, изучению процессов гидратации в различные сроки твердения цементного камня на основе оптимальных составов разработанных клинкеров.

В Республике проводятся широкомасштабные мероприятия и достигаются определенные научные и практические результаты по разработке технологии получения портландцементного клинкера низкотемпературного обжига на основе местных нетрадиционных источников минерально-сырьевых и вторичных ресурсов. По четвертому направлению Стратегий действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, определены главные задачи, направленные по «созданию эффективных механизмов внедрения в практику поощрения научно-исследовательской и инновационной деятельности»¹. В этом плане приобретает особое значение разработка технологий получения цементного клинкера низкотемпературного обжига на основе нетрадиционных, в частности глинистых сланцев и получение востребованных составов портландцементного клинкера на основе местных сырьевых и вторичных ресурсов.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП -3698 от 7 мая 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики», ПП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов» и ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых по данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан. VII «Химическая технология и нанотехнологии».

